

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

165 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 24 сентябрдаги 213-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида

Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлимининг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 24 сентябрдаги 213-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бирлаштирилаётган Зангиота ва Тошкент туманларида фаолият кўрсатётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва давлат нотариал идоралари уларга тартиб рақами берилган ҳолда, шунингдек Зангиота ва Тошкент туманлари суд ижрочилари бўлимларининг бўшаб қолдиган ходимлари сони Тошкент вилоятининг бошқа туманлари (шаҳарлари) суд ижрочилари бўлимларига бериш ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида сақлаб қолинсин».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 18 апрель,
114-сон